

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины – здоровье

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 25 сентябрь – 1 октябрь № 38 (554) Сешанба кунлари чиқади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1998 йилда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг энг муҳим қоидалари ва мақсадли вазифалари умуман муваффақиятли амалга оширилаётгани қайд этиб ўтилсин. Тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта қўриб чиқилди, республикада соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилди.

Аҳолига юқори малакали бепул шовилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилдики, бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Жаррохлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда юқори малакали мутахассислар мураккаб, юқори технологияли ноёб операцияларни амалга оширмоқдалар.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди – кам самарали фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3,1 мингтадан кўпроқ қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига қўмаклашувчи скрининг-марказларнинг кенг тармоғи ву-

жудга келтирилганлиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Турғуқ муассасаларининг моддий-техник базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Шифокорлар ҳамда тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан ўзгартирилди – уларнинг иш ҳақи миқдорлари ва рағбатлантириш механизми баҳарилаётган ишнинг мураккаблиги ва оғирлик даражасига, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Ҳар бир тиббиёт муассасасида моддий рағбатлантириш ва тиббий муассасани ривожлантириш жамғармалари ташкил қилинган. Натижада кейинги икки йил ичида тиббиёт ходимларининг иш ҳақи миқдорлари 2,2 баравар кўпайди.

Республикада соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий сектор изчиллик билан шакллантириб боришмоқда – 1,7 мингдан кўпроқ юридик шахсларга хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланиш ва 2,1 минг нафардан кўпроқ жисмоний шахсларга яқка тартибдаги шифокорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар берилди.

Тиббий кадрларни тайёрлаш тизими ислоҳ қилинмоқда – олий тиббий таълимнинг замонавий икки босқичли тизими жорий этилди, Тошкент тиббиёт академияси ташкил қилинди. Олий ўқув юрларида олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш ташкил қилинганлиги принципиал янгиллик ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар инсонларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, аҳоли турмушини яхшилаш имконини берди. Натижада 1990 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртача умр кўриши – 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди. Чечак, ич тўрлама, полиомиелит, бўғма, куйдирги, ўлат, вабо каби

(Давоми 2-бетда).

Тақдимот

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР ОЛИМА ТАҚДИРИДА



Орамизда шундай инсонлар борки, улар бутун умри ва фаолиятини илму маърифат нурларини сочишга, келажак авлод истиқболини яратишга бахшида этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика паталогик анатомия маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони, «Меҳнат шукрати» ордени, «Ўзбекистон Кахрамони» сингари давлатимизнинг нуфузли мукофотлари билан тақдирланган тажрибали мутахассис, етук олима Малика Абдуллаҳужаева тўғрисида қанчалик тўлқинланиб гапирмайлик, озлик қилади.

У кишининг тиббиётимиз равнақи йўлидаги заҳматли, фидокорона меҳнатлари-ю, республикада паталогик анатомия соҳаси ва биоэтика фанининг тараққиётига қўшган муносиб ҳиссасини эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Илмий-педагогик тажрибага эга олима Австралия, Канада, Буюк Британия, Ҳиндистон ва бошқа хорижий мамлакатлардаги олимлар билан ҳамкорликда «Пирролизидинли алкалоидлар» номли алкалоидларнинг токсикологик хусусиятлари ва таркибини ўрганиш бўйича жаҳон тажрибасини умумлаштирувчи китоб ва тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашган. Ана шундай салмоқли, келгуси авлодлар учун етарли бой илмий-амалий

нодир қўлланмалар, янгилықлару кашфиётлар яратётган академик олиманимиз Малика Саматовна яқинда ўзининг 75 йиллик юбилейини нишонлади. Шу муносабат билан 18 сентябрь куни «Киночилар уйи»да олиманинг илмий ва амалий фаолияти, ҳаёт йўлидаги мураккаб жараёнлар, тиббиётнинг кеча ва бугунини акс эттирувчи ёрқин лавҳалардан иборат «Вақт оралиғида» фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Фильм «Ўзбектелефилм» ижодкорлари томонидан суратга олинган бўлиб, унда Малика Саматовнанинг тиббиёт тарихида из қолдирган нодир ихтиролари, янгилықлари, амалий тажрибалари-ю, ҳаёт йўли тўғрисида ҳикоя қилинади.

— Олиманинг йиллар давоми-

да босиб ўтган ҳаёт йўли, илмий фаолияти, тиббиётнинг патанатомия соҳаси бўйича яратган илмий изланишлари, замондошларнинг академик тўғрисида билдирган фикр-мулоҳазаларини ўзида акс эттирувчи фильм, назаримда, тиббиёт тарихида ўчмас из қолдириб, келгуси авлодлар учун бой маънавий мерос бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман, — дейди фильм режиссёри Ахрор Акбархўжаев.

Чиндан ҳам фильм реал ҳақиқат, давр ва замон бирлигида олиб борилган машаққатли илм йўлидаги изланишларни олим тақдирида акс эттиришда асосий намба ҳисобланади. Тадбирда сўзга чиққанлар ҳам айнан фильмининг 75 йиллик юбилейга муносиб совға сифатида тақдим этилганлигини таъкидлаб, олиманинг узоқ йиллар мобайнида олиб борган машаққатли меҳнатлари-ю, патанатомия фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини эътироф этдилар.

Тақдимот сўнггида олима сўзга чиқиб, фильм-ижодкорлари ва барча йиғилган меҳмонларга ўзининг ҳеқисиз миннатдорчилигини билдирди.

Намоз ТОЛИПОВ.

УСТОЗ МАДҲИ

**Меҳрингиз қалб-қўри садоқат ила,
Зарварақ ҳаётдан бердингиз таълим.
Илму зиё нурин сочган ўзингиз,
Сизга минг бор таъзим, устоз-муаллим.**

Азиз устозлар! Касбий байрамизда муборак бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида

ва бошқа ижтимоий хавфли ҳамада юқумли касалликлар ба-
тамом тугатилди.

Шу билан бирга, соғлиқни
сақлаш ва инсонлар саломат-
лигини муҳофаза қилиш тизи-
мининг биринчи навбатда ви-
лоят ва туман бўғинларида
профилактика ҳамада тиббий
хизмат кўрсатиш сифати дара-
жасини ошириш билан боғлиқ
кўпгина масалалар ҳамада ўз
ечимини тошган эмас.

Ҳанузгача стационар даво-
лаш муассасалари улуши кўпчи-
ликни ташкил этган соғлиқни
сақлашни бошқаришнинг ташки-
лий тузилмаси бесўнақай ва са-
марасизлигича қолмоқда. Соғ-
лиқни сақлаш ҳудудий бошқа-
рув органлари тиббий муассас-
салари фаолияти устидан етар-
лича ташкилий-услубий раҳ-
барлиқни таъминламайптилар,
юқумли касалликлар профи-
лактикаси ва улар тарқалиши-
нинг олдини олиш бўйича те-
гишли санитария-эпидемиоло-
гия назорати таъминланмапти.

Республикада нейрохирургия,
кардиохирургия, онкология, ги-
некология ва акушерлик, ўткир
ошқозон-ичак касалликларини
ҳамада бошқа соҳаларда мурак-
каб, юқори технологик опера-
цияларни ўтказиш бўйича ало-
ҳида ихтисослаштирилган тиб-
биёт марказларини ривожланти-
риш ниятда зарур бўлиб, улар-
га нисбатан талаб-эҳтиёж юқори
даражада қолмоқда.

Республика ҳудуди бўйича
касалликларни ўз вақтида аниқ-
лаш, олдини олиш ва самарали
даволашнинг гоёта муҳим воси-
таси сифатида диагностика хиз-
матлари тармоғи ниятда суяст
ташқил қилинган.

Скрининг-марказларнинг
кенг тармоғи ташқил этилгани-
га қарамай, бўлғуси оналарнинг
соғлиғи ва ҳомиладорликнинг
кечиши ҳолатини назорат қилиш
tizimi, айниқса, қишлоқ жой-
ларда, сифат жиҳатдан яхшила-
нишни тақозо этади.

Юқумли ва вирусли касаллик-
ларнинг олдини олиш, аҳолини
ОИВ/ОИТСдан ишончли ҳимоя
қилиш бўйича санитария-эпиде-
миология тизими доимий, жи-
дий эътиборни ва унинг фаоли-
тини ташқил этишни тубдан ях-
шилашни талаб қилади.

Малакали тиббиёт кадрлари-
ни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш
tizimi янада такомиллашти-
ришга муҳтождир. Тиббиёт колле-
жларида кадрлар тайёрлаш
сифати жиҳидий эътирозларга
сабаб бўлмоқда, ана шу коллеж-
ларни замонавий ўқув-услубий
ва лаборатория ускуналари билан
муштаҳамлаш талаб этила-
ди.

Илмий-тиббиёт мактаби анча
заифлашди, илмий тадқиқотлар
ҳамада уларни даволаш-диагнос-
тика амалиётига татбиқ этиш
ўртасида муштаҳам алоқа йўқ.
Кўпгина республика тиббиёт му-
ассасаларининг барпо этилган
юқори технологик моддий ва

илмий базасидан тиббиёт ходим-
ларининг малакасини оширишда
суяст фойдаланилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида
ислохотларни янада чуқурлашти-
риш, замон талабларига жавоб
берадиган ташкилий тузилмани
шакллантириш, касалликлар тар-
қалишнинг зарур профилактика-
сини таъминлаш, аҳолига тиббий
хизмат кўрсатиш самарадорлиғи
ва сифатини, ундан барчанинг
бахраманд бўлишини тубдан
ошириш, шунингдек, тиббиёт
ходимларини тайёрлаш ва қайта
тайёрлаш тизимини такомиллаш-
тириш мақсадида:

1. Қуйидагилар соғлиқни сақ-
лаш тизимини ислоҳ қилишни
янада чуқурлаштиришнинг асосий
вазифалари этиб белгилансин:
ягона ташкилий-услубий раҳ-
барлиқни ҳамада аҳолига кўрсат-
иладиган тиббий хизматлар сиф-
фати устидан назоратни таъмин-
лайдиган соғлиқни сақлашнинг
замонавий ташкилий тузилмаси-
ни шакллантириш;

замонавий диагностика ва
даволаш ускуналари билан жи-
ҳозланган, юқори малакали кадр-
лар салоҳияти билан таъминлан-
ган ҳамада аҳолига ихтисослаш-
тирилган юқори технологик тиб-
бий ёрдам кўрсатадиган респу-
блика ихтисослаштирилган илмий-
амалий тиббиёт марказлари тар-
моғини янада ривожлантириш ва
шундай янги марказлар ташқил
қилиш;

тиббий диагностика тизимини
тубдан такомиллаштириш, рес-
публика ҳудудига замонавий, халқ-
қаро стандартларга мос бўлган
ускуналар билан жиҳозланган
ҳамада юқори малакали мутахас-
силар билан таъминланган диа-
гностика хизматлари тармоғини
кенг ривожлантириш;

аҳолини вирусли ва юқумли
касалликлардан ҳимоя қилиш,
ОИВ/ОИТС касаллигининг олди-
ни олиш тизими самарадорлиғи
ва ишончлигини, аввало, зар-
рарланиш манбаларини профи-
лактика қилиш ва тугатишга қара-
тилган чора-тадбирлар ҳисобига
ошириш;

аёллар ва болалар соғлиғини
сақлаш, бўлғуси оналар соғлиғи
ҳолати устидан назорат қилиш
tizimi сифатини тубдан ошириш,
скрининг-марказлар, педиатрия
ва туғруқ муассасаларининг мо-
дий-техник базасини, айниқса,
қишлоқ жойларда, янада ривож-
лантириш ва муштаҳамлаш;

тиббиёт муассасаларининг
умумий амалиёт шифокорлари ва
тор ихтисослашган шифокорлар-
га нисбатан талаб-эҳтиёжларини
қондиришни ҳисобга олган ҳолда
кадрларни тайёрлаш ва қайта
тайёрлаш тизимини такомиллаш-
тириш, тиббиёт ходимларининг
малакаси ва касб маҳоратини
муттасил ошириб бориш учун
шарт-шароитларни таъминлаш;

замонавий диагностика ва
даволаш ускуналарига, юқори
малакали тиббиёт ходимларига
эга бўлган ҳамада аҳолига даво-
лаш жараёнининг тасдиқланган
стандартларига мувофиқ равиш-

да сифатли, ихтисослаштирилган
тиббий хизмат кўрсатадиган ху-
сусий тиббиёт муассасаларини
ривожлантиришга қўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 22 ян-
вардаги Ф-2658-сонли Фармойи-
ши билан тузилган Ишчи гуруҳи-
нинг 2007-2008 йилларда қуйида-
гиларни ташқил этиш тўғрисидаги
таклифлари қабул қилинсин:

а) ишлаб турган вилоят шифо-
хоналари ва алоҳида ихтисослаш-
тирилган тиббиёт муассасалари
негизда даволашнинг асосий
йўналишлари (режали хирургия,
терапия, кардиология, урология
ва бошқалар) бўйича тиббий хиз-
матлар кўрсатувчи вилоят кўп
тармоқли тиббиёт марказлари;

б) ишлаб турган вилоят болалар
тиббиёт муассасалари негиз-
да болалар касалликларини
даволаш учун вилоят болалар кўп
тармоқли тиббиёт марказлари;

в) Нукус ва Тошкент шаҳарла-
рида, шунингдек, ҳар бир вилоят
марказида пуллик асосда фао-
лият юритадиган тиббий диагнос-
тика марказлари;

г) марказий туман (шаҳар)
шифохоналари, тегишли ҳудуд-
лардаги болалар ва катталар
поликлиникалари негизда туман
(шаҳар) тиббиёт бирлашмалари
ташқил этилиб, уларнинг зимма-
сига қишлоқ врачлик пунктлари
ва оилавий поликлиникаларга
профилактика, санитария-маъри-
фий тадбирларни ўтказиш ҳамада
соғлиқни тиклашга оид тиббий
хизматлар кўрсатишда уларнинг
фаолиятини мувофиқлаштириш
ва услубий ёрдам бериш вазифа-
лари юклананди;

д) қуйидаги Республика ихти-
сослаштирилган илмий-амалий
тиббиёт марказларини ташқил
этиш:

Акушерлик ва гинекология
илмий-текшириш институти
ҳамада даволаш базаси ва аёл-
ларнинг репродуктив саломатлик
марказлари негизда акушерлик
ва гинекология маркази;

Педиатрия илмий-текшириш
институти ҳамада даволаш база-
си негизда педиатрия маркази;
Терапия ва тиббий реабилитация
илмий-текшириш институти
ва Гастроэнтерология илмий
маркази ҳамада даволаш базаси
негизда терапия ва тиббий
реабилитация маркази;

Республика Дерматология ва
венерология илмий-текшириш
институти ҳамада даволаш база-
си негизда дерматология ва
венерология маркази;

Фтизиатрия ва пульмонология
илмий-текшириш институти ҳамада
даволаш базаси негизда фтизи-
атрия ва пульмонология маркази;
Эндокринология илмий-текши-
риш институти ҳамада даволаш
базаси негизда эндокринология
маркази.

Юқорида кўрсатиб ўтилган
Республика ихтисослаштирилган
илмий-амалий тиббиёт марказла-
рини амалдаги талабларга муво-
фиқ шакллантириш, жиҳозлаш
ҳамада молиявий таъминлаш учун
масъулият Ўзбекистон Республи-

каси Молия вазирлиги ва Соғлиқ-
ни сақлаш вазирлиги зиммасига
юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат мулки
қўмитаси, Соғлиқни сақлаш ва-
зирлиги Республика ихтисослаш-
тирилган тиббиёт марказлари-
нинг Марказлар Кенгашлари билан
биргаликда бир ой муддатда
Республика ихтисослаштирилган
кўз микрохирургияси ва кардио-
логия марказлари 2007 йилда,
Республика ихтисослаштирилган
урология маркази 2008 йилда
ҳамада Республика ихтисослаш-
тирилган хирургия маркази 2011
йилда ўз-ўзини молиялаштириш
ва ўзини-ўзи қоплаш шароитига
тўлиқ ўттишининг аниқ жадвалла-
рини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Давар-
хитектурулиш" қўмитаси билан
биргаликда ривожланган мамла-
катлар тажрибасини ўрганишни
ҳисобга олган ҳолда, халқаро
стандартларнинг энг юқори талаб-
лари ва қоидаларига жавоб бе-
рувчи вилоят диагностика марказ-
ларининг намунавий лойиҳалари-
ни ишлаб чиқсин ҳамада уларни
уч ой муддатда кўриб чиқиш учун
ҳужуматга тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси маъқул-
ланган намунавий лойиҳаларга
мувофиқ вилоят диагностика
марказлари қурилиши ёки ре-
конструкция қилиниши, уларни
зарур диагностика жиҳозлари,
малакали кадрлар ва молиялаш
манбалари билан таъминлаш
бўйича қарор қабул қилсин.

5. Қуйидагилар муҳим фаолият
йўналишлари ҳисоблансин:

а) туман (шаҳар) тиббиёт бир-
лашмаларида – касалликлар, энг
аввало юқумли ва вирусли кас-
салликларнинг олдини олиш
бўйича профилактика ишларини
ўтказиш, аҳолига сифатли бир-
ламчи амбулатория-поликлиника
ёрдами кўрсатиш, бирламчи
шошилмича, кечиктириб бўлма-
диган тиббий ёрдам бериш, бе-
морларни стационарларда даво-
лаш, шунингдек, қишлоқ врачлик
пунктларига, бошқа туман (ша-
ҳар) муассасаларига ташкилий-
услубий жиҳатдан раҳбарлик
қилиш;

б) вилоят кўп тармоқли тиб-
биёт марказларида – беморларни
текширувдан ўтказиш, уларга
юқори малакали тиббий-маслаҳат
ёрдами кўрсатиш, касалликлар-
нинг асосий йўналишлари (режа-
ли хирургия, терапия, кардиоло-
гия, гинекология ва бошқалар)
бўйича стационарларда даволаш-
ни ташқил этиш, шунингдек, ви-
лоят тиббиёт муассасаларида
тиббий ёрдам кўрсатишнинг за-
монавий усуллари ва технология-
ларини татбиқ этишни услубий
жиҳатдан таъминлаш;

в) соғлиқни сақлашни бош-

қариш ҳудудий органларида:

тиббий хизматлар кўрсатиш-
да диагностика ва даволашнинг
ягона стандартларини жорий
этиш, шунингдек, тиббиёт му-
ассасаларининг уларга риоя
этиши устидан назоратни амал-
га ошириш;

тегишли ҳудудларда жой-
лашган тиббиёт муассасалари
фаолиятига ташкилий-ус-
лубий раҳбарлиқни амалга
ошириш;

самарали санитария-эпиде-
миология назоратини таъмин-
лаш, юқумли ва ўта хавфли
юқумли касалликлар тарқали-
шининг олдини олиш бўйича
амалий чоралар кўриш;

оилада тиббий маданиятни
ошириш, соғлом турмуш тар-
зини тарғиб қилиш бўйича
аҳоли ўртасида профилактика
ишлари ўтказилишини ташқил
этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги Соғлиқни
сақлаш вазирлиги билан бир-
галикда бир ой муддатда соғ-
лиқни сақлаш муассасаларини
молиялаштириш тизимини та-
комиллаштириш бўйича Вазир-
лар Маҳкамасига тақлифлар
қилинсин.

7. 2007 йилнинг 1 октябри-
дан аҳолига пуллик тиббий хиз-
матлар кўрсатувчи (стоматоло-
гия ва косметология хизматла-
ри бундан мустасно) тиббиёт
муассасалари товарлар (иш,
хизматлар) сотиш ҳажмларидан
тушадиган даромадларни бюд-
жетдан ташқари Пенсия жам-
ғармасига ўтказиладиган маж-
бурий ажратмалар ва ягона иж-
тимоий тўловлардан ташқари, 5
йил муддатга барча солиқлар ва
бошқа мажбурий тўловлар
тўлашдан озод этилсин, бўшай-
диган маблағлар тиббиёт муас-
сасаларини замонавий тиббий
асбоб-ускуналар билан жиҳоз-
лашга мақсадли равишда йўнал-
тирилсин.

8. 2013 йилнинг 1 январига-
ча бўлган муддатда мулкчилик
шаклидан қатъи назар, тиббиёт
муассасалари (стоматология ва
косметология хизматлари бун-
дан мустасно) Вазирлар Маҳ-
камаси томонидан тасдиқлана-
диган рўйхат бўйича олиб ке-
линадиган янги тиббий жиҳоз-
лар учун божхона тўловлари
(божхона расмийлаштируви йи-
ғимларидан ташқари) тўлашдан
озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта
муддатда ушбу Фармонини амал-
га ошириш юзасидан ҳукумат
қарорини тайёрласин.

10. Мазкур Фармоннинг иж-
росини назорат қилиш Ўзбекис-
тон Республикаси Бош вазир-
нинг ўринбосарлари Р. С. Қоси-
мов ва Р. С. Азимов зиммалари-
га юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**
Тошкент шаҳри,
2007 йил 19 сентябрь.

И. КАРИМОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).



Ўзбекистон
Республикаси



Халқаро тараққиёт
уюшмаси



Осиё тараққиёт
банки



Озиқланишни Яхшилаш
Глобал Аянси

2007 й
№ 9

«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»

«Women and Child Health Development,
and «National flour fortification program» Projects

Проекты «Здоровье – 2»

«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»



Амалий татбиқ: Гулистон шаҳри

МУВАФФАҚИЯТЛАР НЕГИЗИ: ТАШАББУСКОРЛИКДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги «Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида «Саломатлик-2» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 34-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 217-сонли қарорига асосан «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида Гулистон шаҳридаги 4 та поликлиникада эксперимент тарикасида молиялаштириш ва бошқариш ҳамда умумий амалиёт врачлиги тизимини жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Гулистон шаҳрида 77468 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 61382 нафарига ёки

79,2 фоизига шаҳар поликлиникалари орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади.

2007 йилги вилоят муқаммал таъмирлаш манзилли дастурига киритилган эди. Бугунги кунда 1-сонли оилавий поликлиникада муқаммал таъмирлаш ва реконструкция ишлари низоёсига етказилмоқда. Шунингдек, шаҳар оилавий поликлиникаларида «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бугунгача улар зарурий тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланди.

Оилавий поликлиникаларга олинган тиббий жиҳозлар тўлиқ монтаж қилиниб, аҳоли соғлиги учун улардан кенг фойдаланилмоқда. «Тошкент-Тибтехника» корхонаси мутахассислари жорий йилнинг июнь ойида вилоятда бўлиб, улар томонидан «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида олинган барча тиббий жиҳозлар ва бошқа моддий бойликлар ҳолати мониторинг қилиниб, монтаж ишлари охирига етказилди. Бунинг баробарида тиббий жиҳозлардан самарали фойдаланиш, уларни тўғри ишлатиш мақсадида доимий мониторинг олиб борилмоқда.

Гулистон шаҳридаги поликлиникаларга умумий амалиёт врачларини тайёрлаш мақсадида 2005-2006 ўқув йилида 6 нафар поликлиника врачлари Тошкент Педагогика тиббий институтини қўшиқдаги 10 ойлик умумий амалиёт врачларини тайёрлаш курсида ўқиди. 2006-2007 ўқув йилида эса 7 нафар Гулистон шаҳридаги поликлиника врачлари Тошкент Тиббиёт академияси қўшиқдаги мазкур курсларда таҳсил олди. 2007-2008 ўқув йилида 6 нафар врач мазкур курсларга юборилди.

Оилавий поликлиникалар участкаларга бўлиниб, уларга умумий амалиёт врачлари бирик-



тирилди. Умумий амалиёт врачлари бўлмаган участкалар учун поликлиникада терапевт, педиатр ва акушер-гинекологлардан иборат врачлар гуруҳи ташкил этилди. 4-сон оилавий поликлиника тўлиқ умумий амалиёт врачлари билан таъминланди. 8 нафар врач фаолият кўрсатиб, уларнинг ҳаммаси умумий амалиёт врачлари мутахассислигига эга. Жумладан, уларнинг 5 нафари 10 ойлик умумамалиёт курсларида ўқиган ва 3 нафари тиббиёт институтларини умумий амалиёт врачлари мутахассислиги бўйича тугатган. Мазкур поликлиника ҳудудидаги аҳолига айна кунда, асосан, умумий амалиёт врачлари томонидан тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган акушер-гинекологик хизматнинг сифат ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида Гулистон шаҳар туғруқ комплекси томонидан ҳар бир поликлиникага акушер-гинекологлар жалб қилинди. Улар томонидан тегишли ҳудуддаги фертил ёшдаги аёллар тўлиқ тиббий назоратга олинган.

Поликлиникаларда ҳар бир умумий амалиёт врачлари мустақил тарзда зарур ҳолларда гуруҳ маслаҳатидан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Яна бир қулайлик шундаки, шаҳардаги поликлиникалар негизиде ташкил

этилган маслаҳат-диагностика поликлиникаси билан ҳамкорликда ишлаш ҳам тўғри йўлга қўйилган бўлиб, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Тор мутахассислар томонидан беморларни поликлиникалардаги умумий амалиёт врачлари йўлланмалари асосида қабул қилиш тизими йўлга қўйилди.

Амалий татбиқнинг шаҳар поликлиникаларида ислохотлар асосида амалга оширилаётганлиги тиббиёт ходимлари ва аҳоли томонидан ихобий баҳоланмоқда ва улар яратилган қулайликлардан мамнун бўлишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 217-сонли қарори талаблари асосида 2006 йилнинг январь ойидан бошлаб, Гулистон шаҳридаги 4 та поликлиникада эксперимент сифатида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси орқали молиялаштириш тизимини йўлга қўйилди. Улар ўз думалок муҳр ва бурчак штамплариغا эга бўлиб, банкларда ҳисоб рақамлари очилди.

(Давоми 4-бетда).

№	Гулистон шаҳар аҳолисига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасалари	Аҳоли сони
1	1-Оилавий поликлиника	20154
2	2-Оилавий поликлиника	13525
3	3-Оилавий поликлиника	14214
4	4-Оилавий поликлиника	13489
	Жами	61382
5	«Баҳор-1» ШВП	2150
6	«Баҳор-2» ШВП	1976
7	«Охунбобоев» ШВП	2461
8	«Улуғбод» ШВП	3192
9	«Дўстлик» ШВП	6307
	Жами	16086
	Умумий аҳоли	77468

Гулистон шаҳрига қарашли бўлган 5 та шаҳар врачлик пунктида вилоят миқёсида амалга оширилган «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида умумий амалиёт тизими ташкил этилиб, жон бошига нисбатан молиялаштириш жорий қилинган эди. Утган давр мобайнида мазкур муассасаларда лойиҳа доирасида самарали ишлар ўз натижасини берди. «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида ушбу поликлиникаларга экспериментнинг шаҳар модели жорий этилиши натижасида Гулистон шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатувчи барча тиббиёт муассасаларида ҳам ислохотлар жорий этилди.

Барча имконият ва шарт-шароитлар инобатга олиниб, умумий амалиёт тизимининг шаҳар модели Гулистон шаҳрида-

ги 4 та – 1, 2, 3 ва болалар поликлиникаларида татбиқ қилиш йўлга қўйилди. Мазкур поликлиникаларга оилавий поликлиника мақоми берилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 13 январдаги «Гулистон шаҳрида «Саломатлик-2» лойиҳаси доираси бўйича тажриба сифатида умумий амалиёт врачлари тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 12-сонли буйруғи асосида тасдиқланган йўналишларда иш олиб борилмоқда.

Жумладан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2007 йил 3 январдаги 4-сонли буйруғи асосида Гулистон шаҳридаги 1-марказий поликлиника негизиде шаҳар маслаҳат-диагностика поликлиникаси ташкил этилди.

Тажриба жорий этилган поликлиникаларни замонавий талаблар даражасига етказиш мақсадида

МУВАФФАҚИЯТЛАР НЕГИЗИ: ТАШАББУСКОРЛИКДА

экспериментал поликлиникаларининг бюджетини режалаштириш бир киши ҳисобига ҳаражатларнинг базавий нормативи асосида амалга оширилди.

Шаҳар экспериментал поликлиникаларининг 2007 йил ҳаражатлар сметаси вилоят молия ташкилотлари томонидан январь ойининг охирига қадар тўлиқ тасдиқланди.

Гулистон шаҳар оилавий поликлиникалари ҳар ойда бир марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сонли қарорига асосан йиллик бюджетнинг ўн иккидан бир улуши миқдориди тўлиқ молиялаштирилмоқда ва бу борада муаммолар бўлмапти.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимига Ҳазратхон тизими жорий этилиб, бугунги кунда оилавий поликлиникалар фақат 4-гuruh ҳаражатлари вилоят

ғазна бўлимлари орқали амалга оширилмоқда. Ҳазна бўлимлари орқали молиялаштирилиши, маблағлар ўтказиб берилишида йил бошида келиб чиққан тушунмовчиликлар натижасида бир мунча муаммолар юзага келган эди. Бугунги кунда олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида муаммолар бартараф этилди. Ҳазна бўлимларида белгиланган талаб ва тартиблар асосида маблағлар ўтказиб берилмоқда.

Гулистон шаҳар маслаҳат-диагностика поликлиникаси ва оилавий поликлиникалар орасида ҳам доимий равишда иш олиб боришмоқда. Уюшган аҳоли (боғча, мактаб) маслаҳат-диагностика поликлиникаси, оилаларга эса, поликлиникалар умумий амалиёт врачлари томонидан тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Ўсмирлар учун тиббий хизмат ўсмирлар

поликлиникаси зиммасига юклатилган.

Мақсад – юқорида амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш ва унинг самарасига эришиш учун мавжуд имкониятларни ишга солиб, ҳалқимиз саломатлиги йўлидаги муҳофазани кучайтириш ва уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш экан, бу борада амалий татбиқни янада тарғиб қилиш ҳар бир тиббиёт ходими олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Аъзамжон ИБДУЛЛАЕВ,
«Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга ошириш қўшма бюросининг Сирдарё вилояти бўйича директори.



«Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида 2006 йилнинг июнь ойида Республика Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари билан келишди, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаҳар оилавий поликлиникаларининг вақтинчалик штатлар нормативи асосида ҳар бир поликлиниканинг янги штатлар нормативи ишлаб чиқилди.

Штатлар нормативидан ташқари штат бирликлари, жумладан, тор доирадаги мутахассислар, ўсмирлар, мактаб, боғча ҳамширалари

(Давоми. Боши 3-бетда).

ва бошқалар жисмоний шахслар билан биргаликда ташкил этилган шаҳар маслаҳат-поликлиника таркибига ўтказилди. Янги штатлар нормативи 2007 йилнинг январь ойидан бошлаб жорий этилиб, оилавий поликлиникалар жон бошига нисбатан молиялаштирилмоқда.

Гулистон шаҳар оилавий поликлиникаларининг 2007 йилги бюджетлар сметаси Вазирлар Маҳкамасининг 217-сонли қарори билан тасдиқланган «Бошланғич тиббий-санитария ёрдами шаҳар экспериментал муассасаларини молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низоми асосида аниқланди. Бирламчи тиббий санитария ёрдами шаҳар



– Саидхон ака, кўп йиллик тажрибангиз давомидида республика тиббиёт тизимида олиб борилаётган фаолиятларга муносабатингиз.

– Юртбошимизнинг соғлиқни сақлаш тизими ва унда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига бўлган эътибор ва ғамхўрлиги туфайли соҳада улкан ўзгаришлар бўлди. Айниқса, замонавий тиббиёт муассасаларининг қад кўтариши, янги технологияларнинг кириб келиши, кадрлар тайёрлашдаги самарадорлик ишлари ислохот жараёнида ўз ифодасини топиб келмоқда. Шу жумладан, Давлат дастурининг устувор йўналишларидан бири бўлган бирламчи бугунги шакллантиришга қаратилган вазифалар тизим ҳаётида ўз ечимини топаётганлиги бундан мустасно эмас. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-1,2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларининг ҳамкорликдаги фаолиятлари Сирдарё вилояти тиббиёт тизимида ҳам ўзгача ўринга эга бўлиб, ижобий натижаларга олиб келмоқда. Таъкидлаш муҳими, «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида қўллаб қишлоқ ва шаҳар врачлик пунктлари замон талаблари даражасида қад кўтарди, базилари эса қайта таъмирдан чиқарилиб, янги тиббий асбоб-ускуналар ва зарурий жиҳозлар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланди. Айни кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Рес-

публикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 217-сонли Қарорига асосан «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида Гулистон шаҳридаги 4 та поликлиникада молиялаштириш ва бошқариш ҳамда умумий амалиёт врачлиги тизимини жорий этиш амалга оширилмоқда. Шу жумладан, кўзда тутилган асосий мақсадлар бўйича 1-сонли оилавий поликлиникамида ҳам молиялаштириш ва бошқариш ҳамда умумий амалиёт врачлиги тизимини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар бошлаб юборилган.

– Бундай амалий татбиқнинг фаолиятларда акс этишида қандай муҳим ишлар бажарилмоқда?

– Бошланган ҳар бир ишнинг туб замирида эзгу мақсад бўлмоғи зарур. Чунки, бу жараёнларда амалга оширилаётган ишлар тизими бир-бирига ҳамбарчас боғлиқ бўлади. Демак, аҳолига сифатли тиббий хизмат турини шакллантириш учун авваламбор, тиббий муассаса ўзининг замонавий биноси, давр талаби асосидаги макони, шунингдек, янги технологиялар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланган бўлмоғи лозим. Оилавий поликлиникамида мажор берилгандан сўнг, шаҳар моделидаги ишлар жараёнини бошлаб юбордик. Биринчи навбатда лойиҳа асосидаги талабларни тўғри йўлга қўйиш мақсадида муассаса биносини қайтадан таъмирлаш ишларини бошладик. Умумий амалиёт шифо-

ИШЛАР САМАРАСИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИК

Кўни кеча биз Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрининг 1-сонли оилавий поликлиникасида жорий этилган шаҳар моделининг айни кундаги фаолияти ҳамда мазкур муассасада нихоясига етказилаётган таъмирлаш ва реконструкция ишлари билан танишиб қайтдик. Тизимдаги амалий жараёнларга оидиндик киришти мақсадида 1-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Саидхон ака Хамроқулов, шунингдек, умумий амалиёт шифокорлари ва ўша ҳудуддаги аҳоли билан суҳбатда бўлдик.

корлари учун алоҳида хоналар ажратилиб, керакли шарт-шароитлар яратилди. Лаборатория ва бир қанча хоналар лойиҳадаги мутахассислар тақлифи асосида таъмирдан чиқарилди. Бугунги кунда таъмирлаш ишларининг қолган қисми давом этаётган бўлса-да, мурожаат этиб келадиган ҳудуд аҳолиси учун тиббий хизмат кўрсатиш ишлари олиб боришмоқда. Фаолиятда бўлган 15 нафар шифокор ва 30 нафар ҳамшира 20154 нафар аҳоли соғлигини сақлашда меҳ-

кунда яна бир нафар шифокори миз «Саломатлик – 2» лойиҳаси доирасида тахсил олмақда. Бундан ташқари, замонавий лаборатория асбоб-ускуналарини бошқариш учун муассасамиз лаборатория Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида 3 ой мобайнида малакасини ошириб қайтди. Аҳолига енгиллик туғдириш мақсадида 12 ўриндан иборат кундузги стационар хоналарини ҳам тайёрляпмиз. Кадрларимизнинг билим савиясини ошириш, маънавий ва маърифий

талар учун керакли шароитлар яратилиб, шифокор ва бемор учун ҳам ортиқча оворагарчилик туғдирмайд.

– Бугунги кунда умумий амалиёт врачининг ўрни қандай бўлмоғи лозим?

– Умумий амалиёт врачининг ўрни аҳоли орасида, қолверса, унга тегишли бўлган бемор олдида катта аҳамиятга молик. Кейинги пайтларда улар меҳнатига бўлган эҳтиёт ва талаб ошиб бормоқда. Чунки, умумий амалиёт шифокори аҳолига чуқур кириб бормоғи ва ҳар бир оила аъзосининг соғлиғи учун маълумотга эга бўлиши керак. У биргина уларнинг соғлиғи эмас, балки оилдаги ижтимоий аҳолидан ҳам доимий хабардор бўлиб туриши муҳим ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ундаги муомала-маданияти, меҳрибонлиги ҳамда тезкорлиги ҳар бир беморда ишонч туйғусини уйғота олиши лозим.

– Аҳолининг умумий амалиёт шифокорларига муносабати тўғрисида тўхталсангиз?

– Умумий амалиёт шифокорларининг меҳнатига аҳоли томонидан ижобий фикрлар билдирилмоқда. Чунки, улар ўзлари танлаган, ишонган, энг яқин инсонлари деб билаётган шифокорлар меҳнатидан мамнун бўлишмоқда. Менинг назаримда, аҳоли орасига чуқур кириб бораётган умумий амалиёт шифокори нуфузининг ошиб бораётганлиги инсонларда шундай туйғунини уйғотмоқдаки, улар ўз шифокорларига эга бўлмоқда. Демак, ҳар бир инсон ўз шифокорини танлаш ҳуқуқига эга деб биламан.

(Давоми 5-бетда).



нат қилиб келмоқда. Шаҳар моделини жорий қилиш жараёнида 3 нафар шифокоримиз «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури бўйича 10 ойлик ўқув курсини тугатиб, айни кунда фаолият олиб боришмоқда. Шунингдек, яна 2 нафар шифокоримиз Тошкент Тиббиёт академияси даволаш факультетининг умумий амалиёт шифокори мутахассислигини тамомлаб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Айни

дунёқарашини бойитиш мақсадида алоҳида ўқув хонаси ташкил қилдик.

Гувоҳи бўлганимиздек, поликлиниканинг киравериш заллари ҳамда хоналар мурожаат этувчиларнинг кайфиятини кўтариш учун дид билан таъмирланган. Ходимларимиз фаолият юритадиган ҳар бир хонани шаҳар модели асосидаги талабларга кўра тайёрладик. Умумий амалиёт шифокори қабул қиладиган хонада болалар ва кат-

Аҳоли эътирофи

ШИФОКОР ТАНЛАШ ҲУҚУҚИГА ЭГАМИЗ

Иноят АШУРОВА,
Гулистон шаҳри, 4-мавзе,
26-уй, 29-хонадон.

Биз оила аъзоларимиз билан 1-сонли оилавий поликлиниканинг барча шифокор ва ҳамшираларидан мингдан минг розимиз. Айниқса, айтиш мумкин, айни кунда умумий амалиёт шифокори мақомини олган поликлиника ходимларининг хонадонимизга тез-тез ташрифи ва соғлигимизга бўлган эътибори қувонарли ҳолдир. Утган йили ўзим ва фарзандим соғлиғида жиддий ўзгариш бўлиб, касаллик кун сайин зўрая бошлади. Шунда умумий амалиёт шифокори Шохиста Ажигитовага мурожаат қилдим. Меҳрибон ва ўз касбининг устаси Шохистанинг олиб борган текширув натижалари фарзандим ва менда камқонлик касаллиги борлигини кўрсатди. Тажрибали шифокорнинг 6 ой давомида олиб борган муолажа ва маслаҳатлари туйғули иккаламиз ҳам тезда соғайиб кетдик. Шунингдек, ҳолимиздан тез-тез хабар олиб турадиган поликлиниканинг чаққон ҳамшираларидан бири Азиза Мирзабекованинг меҳнатларини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. У ҳам оила аъзоларимиз ҳолидан доимий хабар олиб туради. Ҳар бир мавсумий касалликлар бошлангичдан олдин ўзининг керакли маслаҳат ва тавсияларини беради. Урни келганда, шифокор томонидан берилган муолажаларни бекам кўст бажаради.

Оила аъзоларимиз билан ўз шифокор ва ҳамширамиз борлигидан фахрланиб, керак бўлганда ҳеч тортинмасдан уларга бемалол мурожаат қила оламиз.



Улугбек ХУДОЙКУЛОВ, ишчи.

Тўрт фарзандим бор. Уларнинг соғлиғи учун 1-сонли оилавий поликлиникага доимий мурожаат қилиб келамиз. Мазкур муассаса олдинлари марказий поликлиника эди. Ҳозирги вақтда у «Оилавий поликлиника» мақомини олди. Бу ўзгаришдан сўнг, марказий поликлиниканинг бир қисми оилавий поликлиникага айлантирилиб, таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Айниқса, дид билан таъмирланаётган тиббиёт масканини кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Ундан ташқари, у ердаги ходимларнинг жонқуярлик билан меҳнат қилаётганлиги ҳамда замонавий аппаратларнинг халқ хизматида эканлиги аҳолини бефарқ қолдирмади.

Аваллари, ҳар бир касаллик бўйича алоҳида-алоҳида мутахассислар бўлар эди. Эндиликда эса «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича ўқиб, ўз тажрибасини ошириб келаётган умумий амалиёт шифокорларига мурожаат қилиш мумкин. Бунинг афзаллиги шундаки, оила аъзоларининг ҳаммаси ана шундай шифокор назорати ва эътиборида бўлади. Оиламизга келаётган шифокор ва ҳамширалардан жуда миннатдоримиз. Чунки, касал бўлмасакда, улар соғлигимиздан доимо хабар олиб туришади.

Фурсатдан фойдаланиб, Гулистон шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли тез тиббий ёрдам бўлими ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман. Улар ўз ишларини астойдил бажариб, аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб, инсонлар ҳаётини сақлаб қолмоқдалар.



САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРГА УМИД БОҒЛАБ...

